

**ЎҒИРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ТУШУНЧАСИ, ЖИНОЙИ-
ХУҚУҚИЙ ТАВСИФИ ВА ЎЗИГА ХОС-ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ибрагимов Аброр Алимович,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Академияси Тезкор-қидирув фаолияти

кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: мақолада ўғрилик жиноятининг криминалистик тавфсифини, ўғрилик жиноятини жиноий-ҳуқуқий таҳлилини, юридик адабиётларда кўрсатилган мавзуга оид келтирилган жумлалар илмий таҳлил қилган.

Калит сўзлар: ўғирлик, объект, субъект, уй-жой, мулк, миқдор.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг демократик асосларини янада чуқурлаштириш, миллий қонунчилик асосларини шакл-лантириш, жиноятчиликка қарши курашнинг замон талаблари даражасида олиб борилишини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу борада инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда ҳимоясини таъминлаш муҳим омил деб эътироф қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бошчилигида барча соҳаларда кўплаб янги ўзгаришлар амалга оширилмоқда, буни суд ҳуқуқ тизимида ҳам бир қатор ўзгаришларда кўришимиз мумкин. “Ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чоратадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан

такомиллаштиришни талаб этади”¹ Шу нуқтаи назардан мамлақтимизда ўғирлик жиноятига қарши курашни амалга оширишда, ушбу фаолиятини тубдан такомиллаштириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Давлат, жамият ва фуқароларнинг мол-мулкларини қўриқланишини кучайтириш, бу жараёнга янги замонавий технологияларни жорий этиш, хусусан, хонадонлар, аҳоли яшаш пунктлари ва бошқа турдаги объектларга видеокузатув мосламалари тўлиқ ўрнатилишини ташкил этиш лозимлигини кўрсатади.

Шулар билан бир қаторда ўғирлик жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш лозимлигини, шунингдек, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг барча турдаги салбий ижтимоий иллатларга бўлган муросасизлик ҳиссини шакллантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш шартини келтириб чиқаради.

Ўғирлик - яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддасида белгиланган бўлиб, мазкур жиноят ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш² да ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида “ Жабрланувчининг ёки бошқаларнинг йўқлигида ёки улар бор бўлсада, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкни яширин талон-торож қилиш ўғирлик ҳисобланади. Бордию жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулкнинг олинаётганлигини кўрган бўлсада, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қиляпман деб ўйлаган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли 14.03.2017 й.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Т-1994 йил 169-модда

бўлса, бундай қилмишни ҳам ўғрилик деб тавсифлаш лозим”³ деб таъриф берилган.

Ўғирлик жиноятининг бевосита объекти — мулкый муносабатлар, яъни мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ўғирлик жиноятнинг предмети — ўзганинг мулки ҳисобланади.

Ўғирланган мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаса, бундай талон-торож оз миқдордаги талон-торож қилиш деб ҳисобланади.

Жиноят предмети бўлган мулкнинг қийматини аниқлашда, унинг мулкдор томонидан қай йўсинда сотиб олинганлигига қараб, жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган чакана, бозор ёки комиссия нархлардан келиб чиқиш лозим.

Айбдор томонидан талон-торожни яшириш мақсадида талон-торож қилинган мулк ўрнига бошқа, қиймати камроқ мулк алмаштириб қўйилган ҳолларда ҳам қилмиш талон-торож қилинган мулк қийматидан келиб чиққан ҳолда квалификация қилинади. Бунда талон-торож қилинган мулк ўрнига тақдим этилган мулк қиймати айбдордан моддий зарарни ундириш, шунингдек жазо тури ва миқдорини белгилаш чоғида ҳисобга олинади.

Ўғирлик жиноятнинг объектив томони — ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланади.

Олим Р.Қобулов “талон-торож бу қасддан, ғаразли ниятда, қонунга хилоф равишда ва қайтариб бермаслик мақсадида ўзгалар мулкни эгаллаб олиш ва шу орқали моддий зарар етказишда намоён бўлади”⁴ деб таъриф берган.

³ Ўзбекистон республикаси Олий суди пленумининг “Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори № 6. Т-1999 й. 1-банд.

⁴ Р.Қобулов. “Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика док. Диссертации”. Т., 1997 г. Академия, С-22.

Ушбу олимнинг фикри ва юқоридаги таърифдан келиб чиқиб, жабрланувчи ёки бошқаларнинг йўқлигида ёинки улар бор бўлсада, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкани яширин талон-торож қилиш ўғрилиқ ҳисобланади.

Борди-ю жабрланувчи ёки бошқалар мол-мулканинг олинаятганлигини кўрган бўлсада, лекин айбдор билдирмасдан ҳаракат қиляпман деб ўйлаган бўлса, бундай қилмиш ҳам ўғрилиқ сифатида баҳоланиши лозим.

Шунингдек, айбдор томонидан содир этилаятган воқеани тушуниб этиш қобилиятига эга бўлмаган (масалан, ёши жуда кичиклар, руҳий жихатдан ақли норасолар, алкоғолдан ёки наркотик моддалардан кучли мастлик даражасида бўлган ёки ухлаб қолган) шахсларнинг мулкани ўғрилаш ҳам ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш деб тавсифланиши керак.

Юридик адабиётларда ўзганинг мулкани талон-торож қилишни *яширин* деб топиш учун объектив ва субъектив мезонларга асосланиш лозимлиги кўрсатилган:

1) *объектив мезон* (қилмиш шоҳидларининг, айбдор томонидан содир этилаятган жиноий қилмишнинг асл моҳиятини англамаслиги ёки ўзганинг мулкани яширин равишда эгаллаятган айбдорнинг кўзлаган жиноий қилмишининг хусусиятини англашга объектив имкониятнинг мавжуд эмаслиги);

2) *субъектив мезон* (айбдорда ўзганинг мулкани яширин равишда эгаллаятганлик тасаввурига эга бўлиши).

Шу нуқтаи назардан ўзганинг мулкани талон-торож қилиш қуйидаги ҳолларда содир этилган бўлса, яширин ҳисобланади:

1) содир этилаятган қилмишни ҳеч ким кузатиб турмаган бўлса ва қилмиш содир этилаятган жойда айбдордан бошқа ҳеч ким бўлмаса;

2) мулк жабрланувчи ёки бошқа бегона шахсларга сездирилмасдан олинган бўлса;

3) мулк олинишини кузатиб турувчи жабрланувчи ёки бошқа шахслар содир этилаётган қилмишнинг хусусиятини ва аҳамиятини тушунмаган бўлса;

4) айбдорнинг қилмишини кузатиб турувчи жабрланувчи ёки бошқа шахслар содир этилаётган қилмиш хусусиятига тўғри баҳо берса ва тушунсада, бироқ айбдор ушлаб олинмасдан, у ўзининг ҳаракатларини яширин содир этипман деб тасаввур қилса;

5) айбдорнинг қилмишини кузатиб турувчи ва ўзининг мавжудлигини яширмаётган у ёки бу шахслар содир этилаётган қилмиш хусусиятига тўғри баҳо берса ва тушунсада, бироқ улар айбдор учун бегона шахслар бўлмаса (яқин кишилар ёки қариндошлар).

Айбдор томонидан, била туриб, ақли норасо шахсни ёки воқелик моҳиятини англаш қобилиятига эга бўлмаган (масалан, кичик ёшдаги болалиги (14 ёшга тўлмаганлиги), кўзи ожизлиги, рухий жиҳатдан норасолиги, алкоголь, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида оғир даражада мастлиги туфайли) шахсни алдаш ва ундан мулкни олиш фирибгарлик тариқасида эмас, балки ўғирлик сифатида квалификация қилиниши лозим, чунки бундай ҳолларда шахс мулк унинг эгалигидан чиқиб кетаётганлигини англамайди.

Мазкур жиноят айбдор томонидан ўзгалар мулки яширин равишда эгалланган ва у бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб *тугалланган* ҳисобланади.

Ўзганинг мулкни яширин равишда талон-торож қилиш билан бошланган, лекин жабрланувчи ёки бошқа шахслар томонидан сезиб қолинганига қарамасдан айбдор томонидан мулкка эгалик қилиш мақсадида уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб қилинган ҳаракатлар талончилик, хужум қилиб ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатганда ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитганда эса босқинчилик деб тавсифланади.

Ўғирлик жиноятининг субъектив томони айбнинг қасд шаклида ифодаланишидир.

Ўғирлик жиноятининг субъекти 14 ёшга тўлган ақли расо ҳар қандай жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Жиноят кодексининг 169-моддаси иккинчи қисмида ўғирлик жиноятининг қуйидаги оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган: а) жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан (киссавурлик); б) анча миқдорда; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; г) уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб.

Жабрланувчининг эғнида бўлган кийим-кечаги, қўлидаги ёки бевосита ёнида бўлган сумка, жамадон ва бошқа анжомларидан содир этилган яширин талон-торож қилиш киссавурлик деб ҳисобланади ва Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисми “а” банди билан тавсифланади.

Анча миқдор деганда, Жиноят кодекси Махсус қисми саккизинчи бобида берилган тушунтиришларга кўра, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор тушунилади ҳамда ўзганинг мулкани мазкур миқдорда яширин равишда талон-торож қилиш Жиноят кодекси 169-моддаси иккинчи қисмининг “б” банди билан квалификация қилинади.

Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган ўғирлик жинояти Жиноят кодекси 169-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди билан квалификация қилинади. Ўғирлик жинояти содир этишни олдиндан келишиб олган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ҳаракатлари бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган жиноят сифатида баҳоланади.

Уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган ўғирлик жинояти Жиноят кодекси 169-моддаси иккинчи қисмининг “г” банди билан квалификация қилинади.

Уй-жой деганда, кишиларнинг доимий ёки вақтинчалик туришига мўлжалланган (шахсий уй, хонадан, меҳмонхонадаги, санаториядаги хона, дала ҳовли, боғ ҳовли ва бошқалар) бино, шунинг-дек унинг таркибига кирувчи дам олиш учун, мулкни сақлаш учун ёхуд инсоннинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун (балконлар, ойнабанд айвонлар, омборлар ва бошқалар) жойлар тушунилади.

Омборхона деганда, товар-моддий бойликларни доимий ёки вақтинча бўлсада сақлаш, ташиш, талон-торож қилишдан, табиий офатлардан, айнишдан ва йўқ бўлиб кетишдан асраш учун махсус жиҳозланган, мослаштирилган алоҳида қурилма ёки жойлар тушунилади.

Ғайриқонуний кириш деганда, ўғрилик қилиш мақсадида уй-жойга, омборхона ёки бошқа бинога нафақат яширин, балки очикдан-очик, тўсиқларни, одамларнинг, қўриқловчи ходимларнинг қаршилигини енгиб кириш, шунингдек, алдаш йўли билан (жумладан, қалбаки рухсатномалардан фойдаланиб, масалан, сантехник, алоқа бўлими ходими, газ, электр энергия ва ёнғиндан назорат қилувчи ходимлар ва бошқалар тариқасида бинода пайдо бўлиши) ғайриқонуний кириш ҳам тушунилиши лозим.

Ўғирлик жиноятида ғайриқонуний кириш бирдан-бир мақсад бўлиб қолмасдан, айбдор ўғирлаб кетмоқчи бўлган бойликлар сақланаётган жойга кириб боришнинг услуги ҳисобланади. Шу сабабли уй-жой, бино ёки бошқа омборхонадан ўзганинг мулкани талон-торож қилиш нияти мазкур жойларга ғайриқонуний равишда киришдан олдин юзага келади.

Агар айбдор хонага бошқа сабаблар билан кирган бўлиб, моддий бойликларни яширин талон-торож қилиш мақсади кейин пайдо бўлган бўлса, қилмишни уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этилган ўғирлик жинояти сифатида баҳолаш мумкин эмас.

Махсус мосламалар (илгаклар, қармоқлар, магнитлар, сўриб олувчи резинка ичаклар, қисқичлар ва ҳоказо)дан фойдаланиб ўзганинг мулкани

эгаллаш ҳам уй-жой, омборхона ва бошқа хонага кириб қилинган талон-торожнинг тавсифлаш белгисини ташкил этмайди.

Такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган ўғирлик жинояти деганда, шахс томонидан турли вақтларда Жиноят кодексининг 169-моддасида назарда тутилган икки ва ундан ортиқ ўғирлик жинояти содир этилганлиги тушунилади.

Агар шахс бу жиноятлардан бирортаси учун судланган бўлмаса, қилмиш такроран ўғирлик сифатида, шахс илгари ўғирлик жинояти содир этганлиги учун судланиб, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган даврда қайта ўғирлик жиноятини содир этган ҳолларда хавфли рецидивист томонидан содир этилган ўғирлик сифатида баҳоланиши лозим.

Агар шахс қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликдан (ЖК 64-68-моддалари) ёки жазодан (ЖК 69-76-моддалари) озод этилган бўлса, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланган ва қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган ҳолларда қилмишда такроранлик ва хавфли рецидивлик мавжуд бўлмайди.

Чунки судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва қонунда белгиланган тартибда олиб ташланиши жиноятлар мажмуи, такроранлигини ва рецидив жиноятни истисно этувчи ҳолат ҳисобланади.

Компьютер тизимига рухсат-сиз кириб, ўзганинг мулкани яширин талон-торож қилиш Жиноят кодекси 169-моддаси учинчи қисми “б” банди билан квалификация қилинади. Мазкур турдаги ўғирлик телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилиши мумкин⁵.

Кўп миқдорда содир этилган ўғирлик жинояти деганда, Жиноят кодекси Махсус қисми саккизинчи бобида берилган тушунтиришларга кўра,

⁵ Шериббаевич, УХ, и Шермат о'гли, ҚМ (2023). КИБЕРДЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШИНИНГ АХАМИЯТИ. Лучшие интеллектуальные исследования , 11 (5), 151-161.

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилишни тушуниш лозим.

Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисмида: а) жуда кўп миқдорда; б) ўта хавфли рецидивист томонидан; в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган ўғрилик жиноятлари учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жуда кўп миқдорда содир этилган ўғирлик жинояти деганда, Жиноят кодекси Махсус қисми саккизинчи бобида берилган тушунтиришларга кўра, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари ва ундан юқори миқдордаги ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилишни тушуниш лозим.

Ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган ўғирлик жинояти деганда, қонуний кучга кирган суд ҳукми билан ўта хавфли рецидивист деб топилган шахс томонидан ўғирлик жиноятининг содир этилиши, башарти ушбу шахснинг ўта хавфли рецидивист деб топилганлик ҳолати қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлса, тушунилади.

Уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган ўғрилик жиноятини квалификация қилишда гуруҳнинг уюшган-уюлмаганлиги ёки мазкур ўғирлик уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган-этилмаганлигига аниқлик киритилиши лозим.

Уюшган гуруҳ деганда, икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши тушунилади.

“Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб ўғирлик содир этиши” сифатида баҳолаш учун алоҳида шахс, жумладан уюшган гуруҳ аъзоси бўлган шахс уюшган гуруҳ таркибида ёки уюшган гуруҳнинг жиноий нияти билан қамраб олинган ҳолда эмас, балки ушбу гуруҳ манфаатларини кўзлаб мустақил ўғирлик жиноятини содир этганлиги исботланиши лозим. Бунда

шахс ўзининг ҳаракатларини уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб амалга ошираётганлигини англайди ва қасддан ўғирлик жиноятини содир этади.

Хулоса қиладиган бўлсак, мазкур мақола ўғирлик жиноятларининг жиноий-ҳуқуқий тавсифи, сабаблари ҳамда содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш борасида ички ишлар органлари масъул хизмат ва бўлимлари томонидан ушбу турдаги жиноятларнинг барвақт олдини олиш, “иссиқ изида” фош этиш ва тергов қилишда ўзнинг ижобий самарасини беради деб ҳисоблаймиз.